

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА PR ТИЗИМЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРДА УЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

Исламова Малика Фофур қизи

Ўзбекистон Миллий Университети Журналистика факультети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229413>

**Аннотация.** Ҳозирги келиб жамоатчилик билан алоқалар масаласи ижтимоий воқеликка айланди. PR жамиятда ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қиласди. PR давлат ва жамият, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида алоқа ўрнатади. Бу алоқа – фикр алмашиш, ахборот олиш ва тарқатиш, муносабатларни мустаҳкамлаш билан асосланади.

**Калим сўзлари:** матбуот хизмати, ахборот хизмати, PR, жамоатчилик.

### PR-СИСТЕМЫ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В СВЯЗЯХ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ В СФЕРЕ ПРОИЗВОДСТВА

**Аннотация.** В настоящее время проблема связей с общественностью стала социальной реальностью. PR служит для установления связей организаций с общественностью в обществе. PR устанавливает связь между государством и обществом, производителями и потребителями. Это общение основано на обмене идеями, получении и распространении информации, укреплении отношений.

**Ключевые слова:** пресс-служба, информационная служба, PR, общественность.

### PR SYSTEMS AND THEIR IMPORTANCE IN PUBLIC RELATIONS IN THE FIELD OF PRODUCTION

**Abstract.** Nowadays, the issue of public relations has become a social reality. PR serves to establish public relations of organizations in society. PR establishes a link between the state and society, producers and consumers. This communication is based on exchange of ideas, information acquisition and distribution, strengthening of relations.

**Key words:** press service, information service, PR, public.

### КИРИШ

ПРнинг асосий мақсади – жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш бўлса, бош вазифаси – ахборот ёрдамида омма фикрини бошқаришдир. У ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасида алоқа ўрнатади. Бундай алоқа фикр алмашиш, ахборот олиш ва тарқатиш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш билан изоҳланади. Ҳар бир ташкилот ва муассаса фаолияти халқнинг сиёсий, иқтисодий, маърифий ҳамда маданий ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиши шарт. Шу ўринда ҳам ПР ўзига хос тафаккур майдонини вужудга келтирган ҳолда самарали натижаларга хизмат қиласди.

Жамоатчилик билан алоқаларнинг муҳим шартларидан бири – икки томонлама фикр эшлиши. Фикр бир тарафдангина айтилса, у моҳиятан – бирёзлама, қолаверса, тарғибот бўлиб қолади. ПР амалиётида ташкилот вакилларининг жамоатчилик фикрини тинглаб, хулоса чиқариши муҳим ўрин тутади. Бу, кўпдан кўп фикр чиқади, деган нақлнинг исботи ҳисобланади.

«Public relation» ибораси илк бор АҚШнинг учинчи президенти Томас Жефферсон томонидан ишлатилган. У 1807 йили «Конгрессга йеттинчи мурожаати»да ушбу атамани биринчи марта қўллаган. Бундан мақсад, ўша даврда ҳукуматнинг жамоатчилик билан алоқаларини давлат даражасига кўтариш, илмий-ташкилий жиҳатдан амалда қўллаш эди.

## МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълум вақтдан сўнг ПР фани асосчиларидан бири Эдвард Бернайз бу иборанинг моҳиятини «жамият манфаатлари йўлидаги ҳаракатдир» деб таърифлаган. Демак, «АҚЧда пиарнинг пайдо бўлиши бевосита сиёсий жараёнлар маҳсули» бўлган. Орадан бир аср вақт ўтиб, алоҳида фан сифатида воқеаликка айланган ПР тарихи ўша даврдаги муҳим воқеалар асосида келиб чиқади.

Жамоатчилик билан алоқалар узоқ ва бой тарихга эга. Уларнинг ижтимоий соҳа сифатида шаклланишида Шарқ мамлакатлари ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Ўрта асрларда Гарбнинг кескин ривожланиши қўпгина янги фанлар қарор топишига асос бўлди. Ўша фанлардан бири – жамоатчилик билан алоқалардир. Энг аввало, АҚЧда мазкур соҳанинг назарий ва ахлоқий асослари ривожланди.

Журналистларнинг жамоатчилик билан муносабатлари, фикр алмашишлар жараёнида назарий асосларга ва одоб-ахлоқ меъёрлари ПР талабларига мос равишда амалга ошиши ушбу амалиётнинг дунё микёсида кенг тарқалишига, жумладан, Ўзбекистонда ҳам равнақ топишига қўмаклашади.

Ривожланган мамлакатларда ҳукумат, нодавлат ташкилотларининг фаолиятлари жамоатчилик билан алоқалар асосида ташкил этилади. Испан файласуфи ва публицисти Орtega Гассет ёзганидек, «Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради». Юртимизда ҳам аксарият вазирлик ва ташкилотларнинг фаолиятлари жамоатчилик билан алоқалар асосида йўлга қўйилади.

Истеъмолчи фикрини ўрганиш – у билан алоқаларда муҳим мезон ҳисобланади. Функция деганда амалиётда қўпроқ бу фаолиятни бажарадиган вазифалар назарда тутилади. В. Королко таърифлашича, жамоатчилик билан алоқаларнинг З та асосий функцияни бор:

1. Жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва уни кузатиш. ПР орқали жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва фақат шу йўл билан унга самарали таъсир қўрсатиш мумкин.
2. Жамоатчилик ҳаракатини кузатиш. Демак, жамоатчиликнинг нафақат фикрини ўрганиш, балки, ҳаракатини ҳам кузатиб бориш муҳимдир. Пиармен жамоатчиликнинг у ёки бу ҳаракатларида ўзини қандай тутади, шуни аниқлаб олиши керак. Янги вазиятлар вужудга келган сари, ижтимоий кайфиятлар ўзгарган сари жамоатчилик ўзини қандай тутмоқда, пиарменнинг фикрича қай томонга ўзгармоқда, шуни олдиндан билиши тақозо этилади.
3. Ташкилот билан жамоатчилик ўртасида икки томонлама манфаатни таъминлаш. Бир томонлама эмас, икки томонлама манфаатни таъминлаб, шунинг натижасида жамоатчилик билан ҳамкорликни равнақ топтириш лозим.

Пиармен учун шу учта асосий функция жамоатчилик билан алоқаларни тобора мустаҳкамлаб бориши мумим саналади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Жамоатчилик билан алоқалар ҳокимиёт органлари ва халқ, аҳоли ва бизнес, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, шахслар ва ижтимоий груухлар ўртасида алоқа ўрнатади. Амалда ПР демократия равнақ топган мамлакатлардагина ривожланади. Айни вактда у демократияни ривожлантиришга ҳам хизмат қиласи. Бугунги кунга келиб эса пиар дунёвий фан сифатида кенг қулоч ёйяётгани боиси ҳам шунда. ПР – моҳиятан

дунёвий фан сифатида бизнинг ҳам илмий-маънавий хазинамизни бойитишга, ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини йўлга қўйишга жавобгардир.

Хақиқат, ошкоралик, самимилик бўлган жойдагина ПР мулоқотга ва ўзаро ишончга эришиши мумкин. ПР – давлат ташкилотлари, қонун чиқарувчи ҳамда ижро ҳокимиятлари ва жамоатчилик ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Инглиз олими Сем Блек таъбири билан айтганда: «Паблик Рилейшнз – аниқ, ҳаққоний ахборотларга асосланган, ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисидаги фан ва санъатдир».

АҚШ - замонавий пиар ватанидир. Piар фаолиятини у йердан Ғарбий Ёвропа урушдан кейин ўзлаштириб олган. «Лекин бу тўғридан-тўғри нусха кўчириш эмас эди. Иш усуллари ва шаклларининг ўхшаш тавсифида ҳар бир мамлакатда пиар ўзининг миллий руҳи ва хусусиятлари билан бойитилар эди». Бу табиий жараёндир. Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай янгилик турли давлатда ўзига хос тарзда намоен бўлади.

## МУХОКАМА

Ўтган асрда Ёрнинг биринчи сунъий йўлдоши коинотга чиқиши асос бўлган ахборий давр ўз фаолиятини бошлади. Кўп ўтмай америкалик мутахассислар компьютер тармоғини ишлаб чиқдилар. Бу тармоқ тезкорлик билан ривожлана бошлади. Ўша даврда «алоқа воситаларининг янги шакллари ва турлари пиар хизматлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топа бошлаган эди».

Маълумки XX аср сўнгти чорагида бошлаб ПР ривожланган мамлакатларда равнақ топган фаолият соҳаси бўлиб қолди. Бу даврда «пиарнинг янги турлари, шакл ва усуллари узвий равища пайдо бўла бошлади, пиарменларнинг кундалик фаолиятига жалб этилмаган иқтисодиёт, сиёsat ва маданият соҳалари камайиб борар эди».

Ташкилотнин матбуот хизмати қўйидаги иккита муаммоларни ҳал қилиши керак:  
-ўзи тақдим этаётган ташкилот фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқлиги ва самарадорлигини таъминлайди;  
-аккредитацияланган журналистларнинг ишлаши (рекреасён) учун мақбул шароитлар яратади.

Иш доирасига қараб медиа алоқалари қўйидаги мутахассислар томонидан амалга оширилиши мумкин:

- матбуот мутахассиси (матбуот котиби);
- матбуот бўлими;
- матбуот хизмати ёки матбуот марказига;

Шу билан бирга ишлаб чиқариш соҳасида маҳсулотга бўлган талаб юқори бўлиши учун авваламбор мазкур ташкилот ва унинг товари ҳақида оммага кенгроқ маълумот бериш керак. Шу билан бирга ишлаб чиқарувчи корхона, маҳсулот ва ходимлар имижи устида ҳам ахборот хизмати бош қотирмоғи зарур.

Бу соҳада яна бир буҳим атама бу Имиж(инглизча *image*, лотинча *imago* – тимсол, кўриниши) – шахс, ҳодиса, нарсанинг оммалаштириш, реклама қилиш ва ҳ.к. мақсадларда одамларга ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатишни қўзлаб шакллантириладиган қиёфаси; тарғиб қилиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, ҳозирги даврда ишбилармонлик ва сиёсий фаолият билан шуғулланаётган кишилар учун имиж яратиб бориш заруратга айланди.

Эндилиқда жамиятда ҳар бир ташкилот имижини яратиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини барча мутахассислар эътироф этишади. Имиж борасидаги тадқиқотлар, илмий

изланишлар – Имижеология фанини вужудга келтирди. Бу орқали имиж сирларини назарий жиҳатдан ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш мумкин. Мутахассислар фикрича, имиж инсон руҳиятининг қуи қатламларида пайдо бўлади. Имиж ҳақида аниқ бир психологик маҳсулот сифатида гапирганда эса у ижтимоий кўрсатма, урф бўлган тимсол тарзида намоён бўлади. Унинг инсон руҳиятининг санаб ўтилган барча сфераларида бир вақтда пайдо бўлиши ҳам ҳеч гап эмас, таъсир тезлиги ҳам юқоридир.

Имижеология – инсонга руҳий таъсир этиш технологияларидан бири ҳисобланади. Блез Паскаль одамларга таъсир кўрсатишнинг икки усули бор, деб ҳисоблайди, яъни, “ишонтириш усули” ва “ёқишиш усули”. Уларнинг иккинчиси айниқса самарали, деб ҳисоблаган эди у ва бу усулни тўла эгаллай олмаганидан афсус билдириган экан.

Барча ташкилотлар ҳам ўз имижига эга бўлиши зарур. Имижи паст ташкилот одамлар эътиборидан қолиб кетаверади. Демак, ташкилот имижини яратиб бориш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифа аввало ўша ташкилот раҳбарлари зиммасига юклатилади. Имиж коммуникация маҳсулидир. Агар имиж яратишда режавий фаолият олиб борилмаса табиий фавқулотда имиж ҳосил бўлиб, уни бошқариш ва ўзгаришиш мумкин бўлмайди. Шу боис ривожланган давлатларда бу соҳага етарли аҳамият берилади ва катта маблағ сарф этилади. Коммуникация маҳсули сифатида имижни реклама воситасида ҳам яратиш мумкин. Бироқ бу нафақат товар имижи балки ишлаб чиқарувчи корхона имижи, фирма услуги, товар маркаси ва ҳоказоларни қамраб олади. Реклама бу жараёнда имижни яратиш ва мавқенини сақлаб туриш воситаларидан ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Демак, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, PR тизимида имиж яратиш ҳар бир ташкилотнинг ўзи, кундалик фаолияти ҳақида муттасил ахборот тарқатиш орқали амалга оширилади. Мазкур вазифани амалга оширадиган Ахборот хизмати бу борада ташкилотнинг имижмейкери ҳам ҳисобланади. Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга кўйиш асносида ҳам ташкилот имижини ошириш мумкин. Одамлар қайсики ташкилот фаолиятидан қанча кўп хабардор бўлишса, демак, улар учун ўша ташкилотнинг имижи шунча юқори даражада бўлиши аниқ. Ташкилотнинг фаолияти, амалга ошираётган хайрли ишлари ҳақида муттасил ахборот тарқатиш унинг Ахборот хизмати зиммасига тушади. Демак, ҳар бир ташкилот Ахборот хизмати ўз ташкилоти фаолияти ва унинг самаралари, одамлар учун энг фойдали жиҳатлари ҳақида ахборот тарқатиб бориши зарур. Бу борада ахборотлар шунчаки хабар ёки қуруққина маълумот тарзида тарқатилиши қутилган натижани бермайди. Янги босқичга чиқиш вақти келди.

## REFERENCES

1. Муминов Ф. Паблик рилейшнз: история и теория. Т. : Ижод дунёси, 2004, 32-б.
2. Бернейс Э. Л. Тҳе Латер Ёарс. Публис Релатионс Инсигхц 1956-1986. -Рҳинебеск: Фрее Пресс, 1986. -П. 12.
3. Арзийев Ф. Паблик рилейшнз – ахборот ортидаги манфаат. //Халқ сўзи, 2003, 4 ноябр.
4. Энциклопедический словарь. М. : Совецкая энциклопедия, 1987, 940-б.
5. Королко В. Г. Основы паблик рилейшнз. 11-12-б.

6. Шепель В.М. ва бошқ. Имижеология. Инсонларга қандай ёқиши мүмкін? Үқув күлланма.
7. Шепель В.М. ва бошқ. Имижеология. Инсонларга қандай ёқиши мүмкін? Үқув күлланма
8. Кузякина.П., Семичев М.А. Реклама и ПР в мировой экономике. – М.: 2002. С.27.